

ЭКАЛОГИЯ-ЗАМОНАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

Жўраев Ж.Т Ирригасия ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти
таянч докторанти.

Т.А.Жўраев.ТИҚХММИ миллий тадқиқот университети Бухоро табиий
ресурсларни бошқариш институти ассисенти.

ECOLOGY-THE DOLZARB PROBLEM OF TIME

Jo'raev J.T is a basic doctoral student of the Scientific Research Institute of
Irrigation and Water Problems.

T.A. Joraev, assistant of the Bukhara Institute of Natural Resources
Management of the National Research University of TIQXMMI.

Аннотасия: Ушбу мақолада қатор йиллар давомида инсон табиатдан, ер
ости ва усти бойликлари, табиий бойликлардан баъзи ҳолларда нотўғри
фойдаланиши эвазига келиб, тўпланиб қолган муаммолар ва уларни бартараф
этиш йўллари ҳамда келажак авлодга тиниқ ва мусаффо табиатни қолдириш.
Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ишлар ҳамда Орол
денгизини қуриб бориши уни имкон қадар сақлаб қолиш ва бунда дунё
ҳамжамияти кўмаги мавзусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: атроф, табиий муҳит, индивид, экология, глобал табиат
унсурлари, департамент, объект, морфологик, морфотерик, сивилизасия, оёғи
етмаган, локал.

Annotation: In this article, the problems that have accumulated over the years
due to the improper use of nature, underground and surface resources, and natural
resources in some cases, and ways to eliminate them, and to leave a clear and clean
nature to the next generation.

In this regard, the good works carried out in our country and the development
of the Aral Sea to preserve it as much as possible and the support of the world
community will be discussed.

Key words: environment, natural environment, individual, ecology, elements
of global nature, department, object, morphological, morphotheric, civilization,
juvenile, local.

Маълумки жаҳонда мавжуд давлатлар Иқтисодиётини энг йирик тармоғи, ер ва сувдан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалиги асосий моддий негизи ер ва сув ресурсларидан ҳар қандай шароит ва даврда унумли, тежамли, оқилона ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишни тўғри ташкил этиш ва оқилона фойдаланиш ва бошқариш инсониятнинг бугунги ва эртаси учун жуда – жуда аҳамиятга эга. Дунё олим ва экспертлари бунинг англаган ҳолда жуда куюнчаклик билан планетамизда глобал ўзгариб бораётган экология тўғрисида бош қотирмоқда ва масала жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди. 2015 йил 25-27 сентябр кунлари АҚШ давлати Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган “Барқарор Ривожланиш” мавзусидаги Б.М.Т нинг 70 йиллик юбилейига бағишланган Самитида маъруза қилган деярли барча давлат ва ҳукумат вакиллари жумладан Ўзбекистон ҳукумат вакили ҳам ўз этиборини дунё ҳамжамиятининг энг долзарб муаммоси “экологик хавфсизликни таъминлашга” қаратган эдилар [1].

Саида Мирзиёева Кўплаб мамлакатларда юзага келаётган, йилнинг иссиқ, қуруқ келиши иқтисодий танглик, озиқ-овқат муаммоси, ижтимоий фалокат ва экологик инқирозли ҳолатларни юзага келиши катта муаммо. Бу муаммо мамлакатлар аҳолисини ўз ватанларини ташлаб инқирозли ҳудудлардан кўчиб кетиши натижасида кўплаб мамлакатлар, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам барқарор ривожланишга ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ижтимоий муносабатларни, кишилар ўртасида юзага келаётган юриш -туриш қоидалари ва унга амал қилиш нафақат локал ва миллий, балки регионал ва глобал миқёсда тартибга солишга ундамоқда. Экологик бошқарув бунда муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий ҳолат ва жараёнлардан фарқли: атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш ва у орқали “Экологик хавфсизлик”ни таъминлаш на маъмурий ва табиий чегараларга бўйин синади. Уни бошқаришни глобал миқёсда-Ер планетаси бўйича ягона экологик мақсад сари йўналтириш ва

умумлаштиришни қонун ва қоидалар асосида тизимлаштириш зарурлиги аниқ ва равшан бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик бошқарувнинг мазмун ва моҳиятига алоҳида ва ўз вақтида эътибор қаратилди. Жадал ривожланиб бораётган давримизда самарали бошқарув орқали экологик муаммоларнинг ечимини топиш ўта муҳим. Бунда Б.М.Т нинг “Рио-92” конференциясида қабул қилинган “Барқарор ривожланиш” концепсияси бизларга дастур амал бўлиб хизмат қилади. 2008 йилда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил этилиши, Олий Мажлис қўйи палатасига экологик ҳаракат вакилларидан ўзини-ўзи сайлаш ҳуқуқи билан 15 та жойнинг ажратилиши, 2015 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси тузулмасида махсус “Соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш департаменти”нинг фаолият юрита бошлагани диёримизда анчагина хайрли ишларни амалга ошишига олиб келмоқда. Экологик тадқиқотларнинг келиб чиқиши тарихига қарасак, табиатни кишилик жамияти томонидан муҳофаза қилишдан бошланганини кўрамиз. Экология фанга XIX асрда асос солингани ҳамда организмларнинг умумий морфологик ва морфотерик кўрсаткичлари ўзгариб бориши табиат ва унинг ҳолатига боғлиқлигини махсус изланиши сифатида кўришни тақозо этган ва шундан давом этмоқда. Натижада олимлар организмларнинг ўзаро таъсирлашуви, уларни ўраб турган табиий муҳим ва яшаш мақомини ўрганишни бошладилар. Хусусан табиий атроф-муҳитнинг кескин ўзгарип кетиши маълум бир ҳудудлар ёки минтақаларда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-маърифий муҳитларни ҳам ўзгартирип юбориши мумкин. Мисол учун XIX асрни 60 йилларидан кейин Марказий Европада саноат барча соҳалар ўсти, натижада минтақада аҳоли ҳаддан зиёт ўсти, жамият ва давлатнинг иқтисодий ва сиёсий талаблари табиат қонунларини инкор эта бошлади ва шунинг учун ҳам кишиларни аксарияти табиат атроф муҳити нисбатан сақланиб қолган мамлакатларга, қитъа оролларга кўчиб ўта бошладилар. Буни тез англаб етган жамият, давлат ва ҳукумат вакиллари, раҳбарлар XX асрга келиб Европада ижтимоий муносабатларда санитар-

гигиеник талабларни кучайтириши, қонунлар ва саноат ишлаб чиқаришни экологиялаштириш, зиддиятли давлатлараро муносабатларини тартибга солиш қандайдир янги фани орқали ечимга ҳаракатни бошладилар. Бу фан “Экология” фани эди. Ҳозирда бу фан халқаро миқёсига чиқиб олди. Чунки инсон билан табиат ўртасидаги “келишмовчилик”ни бартараф этишни бирдан-бир йўли экологияни яхшилашдир[2].

Табиат ва инсон ер шарида жуда узвий боғланган ва ўзаро кучли таъсир доирасида туради. Ана шу ўзаро таъсир доирасида инсонни табиатга бўлган ҳар қандай таъсири ижобий ёки салбий бўлсин охири-оқибатда инсонга акс садо бўлиб қайтад, ё раҳматини ё бўлмаса ўч олади. Буни англаган ибтидоий жамоа инсонларини ва уларни жамоаси табиатни бир бўлган сифатида уни бағрида яшаб келганлар.

Муқаддас Авесто китобида(зардуштийлар) Вандидодда табиат унсурлар-ер, сув, ҳаво ва оловни худо деп билганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб келган. Ер ва олов худоси - “Митра” га инсонлар сиғинишган. Уларни илоҳий куч деб тан олишган ва уларга етказилган зарар учун ҳаттоки ўлим жасосини қўллаганлар. Сувни исроф қилиш олий тангрига қилинган хуруж деб ҳисобланган. Табиатга нисбатан бундай дунёқарашлар зардуштийлар динининг асосини ташкил этган ва унда зикр этилган қадимий ахлоқ-одоб қоидаи шу даврдаги 20 га яқин давлатларда амал қилган.

Собиқ Иттифоқ даврида Мазказий Осиё жумладан Ўзбекистон ҳудуди хом-ашё ва пахта етиштириш базаси қилиб олиниши “Орол муаммоси” ни келтириб чиқарди. Натижада одамлар бу экологик инқирозли ҳудудлардан кўчиб чиқдилар. Атроф табиий муҳитнинг инқирозли даражада бузилиши аҳоли ўртасидаги барча муносабатларга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Туз бўронлари, иссиқ шамол ва чанг инсонларни беҳавотир ва соғлом яшашларини чекламоқда. Орол бўйи минтақаси экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишга жуда жиддий таъсир етказмоқда.

Хулоса: Табиат, жамият, инсон, давлат ва ҳамжамият муносабатлари ўзаро узвий алоқадорлиги атроф-муҳит ҳолати ва инсон саломатлигида акс

этади. Ҳозирда ушбу ҳолат кўпроқ табиатга эмас, балки инсон, жамият, давлат ва ҳамжамят фаолиятиги, тўғрироғи уларнинг биргаликдаги эзгу мақсадларининг ижросига боғлиқ. Биз инсонлар, табиатдан ажралган ҳолда яшай олмас эканмиз, унинг ажралмас бир бўлаги сифатида ўзимизни ҳис этиб ҳаёт кечиришимиз керак. Экологик ҳавфсизликни таъминлаш эса барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Яқинда аниқроғи 2023 йил 23 март куни Она ватанимизни март кизи Ўзбекистон Республикаси Президенти адмистирацияси шўба мудирини С.Ш.Мирзиёева Оқ уйда АҚШ раҳбари администратсияси гендер сиёсати бўйича Кенгаш директори Жоннифер Кляйн ва Жо Байден ёрдамчиси билан учрашди. Шу куни С.Ш.Мирзиёева Б.М.Т нинг Бош қароргоҳида сув масалаларига бағишланган конференциянинг юқори даражадаги ялпи мажлисида нутқ сўзлади[3,4].

Тоглар чўкиб ерга кирмаган чиқар

Юлдузлар ҳам бирдан сўнмаган чиқар

Бу дунё ҳеч қачон кўрмаган чиқар

Бир майдонда денгиз қуриб қолганин

2015 йил дунёдаги барча инсонлар яхши келажак қуриш мақсадида 17 та барқарор ривожлантириш мақсадларини қабул қилди. Ўзбекистон уларга эришиши мақсадида қатий содиқ қолди, ҳамда минтақани жонлантириш, Орол денгизи сувини ва экотизимини сақлаши ташаббусини илгари суради. Бу шеърда кўз очиб-юмгунча денгизни саҳрога айланиши тасвирланган. Қарақалпоғистонда ҳамон денгизни эслаб, одамлар ёд олиб йиғлагани каби фарёд чекадилар. Сувга мўл “денгиз” фақат Нукус музейида осилган рассомларнинг ярқираб-жилваланиб ҳаёт ва эркинлик бахш этувчи расимларида қолган. У қуриб битгандагина одамлар уни қадрига етди. Орол денгизининг инқирози инсониятни атроф муҳитига эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида дахшатли эслатмадир. Бироқ ғамхўр одамларнинг сай-ҳаракатлари туфайли, у яна умид, янгиланиш рамзига айланмоқда. Мамлакатимиз Орол денгизи қуриб, салбий оқибатларни бартараф этиш борасида изчил курашни амалга оширмоқда[5].

Приздендимиз Шавкат Мирзиёев Б.М.Т. бош ансамблясининг 75-сесиясида Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида Б.М.Т. бош ансамблясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этган. Резолюцияни 2021 йил 60 та давлат томонидан бир овозда қабул қилинган. Ҳозирда мамлакатимиз Орол денгизи қуриган тубуни боққа айлантиришни ўз олдига улкан мақсад қилиб қўйган, ва ҳозирда қариб 1.5 млн гектар майдон кўкаламзорлаштирилган.

Давлатимиз экологик ҳалоқатга қарши курашда вақт қадрини чуқур англагани боис бу вазифани тезкор равишда амалга оширмақда. Ҳамма Қарақалпоғистонга, унинг халқига меҳр қўйишни истайди, улар ажойиб, ақилли, гўзал, меҳнатсевар ва тўла истеъодли одамлардир. Шуни ёдда тутингки бу минтақани ёзи чидаб бўлмас даражада иссиқ, киши эса ўта совуқ, Биз ўз муаммоларимиз ҳақида сўзладик деди у сўз охирида. Сизлар қуллаб қувватлайсиз ва ишончингизни кутиб қоламиз.

Adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. “Erkin va farovon demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”. Toshkent, O‘zbekiston, 2016.-56 b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 10.07.2020 yildagi PF-6024-son.
3. Jo‘rayev F.O‘. Sho‘rlangan tuproqlar meliorativ holatini maqbullashtirishning resurstejamkor texnologiyasi va texnikalarini yaratish: Dis. ... texn. fan. dokt. – Toshkent, 2019. – 198 b.
4. Hamroyev G.F., To‘ayev S.S. To‘g‘rilash burilish ishlari bilan bir dovonda yerlarni ekish uchun tayyorlash agregatlaridan samarali foydalanish // materialy myjnarodnoyí naukovai konferentsii. (T. 1), 12 chervnya, 2020 yil. Kiiv, Ukraina: MTND. 119-121 b.
5. FU Jurayev, GF Khamraev, AN Zhurayev. Technology of reclamation machines application in the conditions of irrigated agriculture // The Way of Science, 2014. №3. c. 32.